

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ СТАТИСТИКАСИ: КЎРСАТКИЧЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ

Ибрагимов Абдималик Гаппарович

А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, и.ф.н., доцент

Одинаева Нилуфар Менгтўраевна

А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти мустақил илмий изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7125888>

Аннотация. Уибу мақолада халқ таълими тизими статистик кўрсаткичлар тизими ва модернизация қилиши йўли, уларни самарали бошқарши ҳамда таълимга бўлган талабни ўрганиши ҳамда таълим хизматлари даражаси, сифати ва миқдорининг кўрсаткичларини асослашибир.

Калим сўзлар: Таълим, хизматлар, талаб, аҳоли сони, аҳоли зичлиги, тугилиши даражаси, миграция, аҳоли саломатлиги.

СТАТИСТИКА СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ: ПОКАЗАТЕЛИ И МОДЕРНИЗАЦИЯ

Аннотация. В данной статье система народного образования представляет собой систему статистических показателей и способ их модернизации, изучения спроса на образование и обоснования показателей уровня, качества и количества образовательных услуг.

Ключевые слова: образование, услуги, спрос, население, плотность населения, рождаемость, миграция, здоровье населения.

STATISTICS OF THE EDUCATION SYSTEM: INDICATORS AND MODERNIZATION

Abstract. In this article, the public education system is a system of statistical indicators and a way to modernize them, study the demand for education and justify indicators of the level, quality and quantity of educational services.

Keywords: education, services, demand, population, population density, birth rate, migration, public health.

КИРИШ

“Ўқитувчининг кучи - таълимнинг асоси” - PISA тадқиқотининг асосчиси Андреас Шляйхер.

“Таълим сифати ҳеч қачон ўқитувчининг сифатидан юқори бўлмайди” PISA тадқиқотининг муаллифи Андреас Шляйхер Ўзбекистон таълимига инновацияларнинг тезроқ киришига қандай эришиш мумкинлигини айтади.


ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Энг аввало, таълим тизими рақамли технологиялар асосида қурилаётган иқтисодиётда энг муҳим роллардан бирини ўйнайди, бу ерда ишлаб чиқариш омилиниң асосий хусусияти инсон капитали бўлиб, бу таълим хизматлари бозорини ривожлантириш ва унга таъсир қилувчи омиллар билан боғлиқ. Замонавий таълимнинг мақсади жамият аъзосига ўзини шахс сифатида англаши ва олинган билим, касбий қўникма ва тажрибани амалда қўллаши, яъни муваффақиятли иш топиши ва замонавий жамиятда ўз ўрнини эгаллаши учун имкон берадиган ваколатларни шакллантиришdir.

Замонавий таълим тизими ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, технологик ва инсон омиллари боғлиқ (1-чизма). Сиёсий омилларнинг таъсири таълимни ривожлантириш истиқболлари кўп жиҳатдан давлат сиёсати ва жамиятнинг ушбу соҳага бўлган муносабатига боғлиқлигига намоён бўлади. Сиёсий омилларга давлатнинг таълим олдига кўйган мақсад ва вазифалари киради. Билимлар иқтисодиёти доирасидаги таълим соҳасидаги ўзгаришлар давлат томонидан тартибга солиш даражасига, таълимни жамоат манфаати сифатида ташкил этиш шакллари ва усулларининг ривожланишига бевосита таъсир қиласди.

1-чизма.

Замонавий таълим тизимига таъсир қиласидаги омиллар



Таълимни қўллаб-қувватловчи технологик омилларга янги технологиялар ва инновацион дастурларни ишлаб чиқиш киради. Масалан, замонавий таълимда ахборот-коммуникация технологиялари муҳим элементлар, шу жумладан рақамли таълим бўлиб, улар ўкув жараёнини янада аниқроқ, қизиқарли ва қулайроқ қиласди.

Шунингдек, халқ таълимининг статистик қўрсаткичлар тизими ва модернизация қилиш йўли, уларни самарали бошқариш ҳамда таълимга бўлган талабни ўрганиш ҳамда таълим хизматлари даражаси, сифати ва микдорининг қўрсаткичларини асослаш таълим тизими иқтисодий омилларга боғлиқ. Таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий масалаларидан бири молиялаштиришdir. Моддий ёрдам сифатида давлат субсидиялари, солиқ имтиёзлари, грантлар, хусусий инвестициялар ва аралаш молиялаштириш каби механизмлардан фойдаланилади. Ушбу омилларни ишлаб-чиқадиган, бошқарадиган, амалиётга тадбиқ этадиган муҳум омил-бу инсон омилидир.

Таълим статистикаси ушбу фаолият соҳасида юзага келадиган ҳодиса ва жараёнларнинг микдорий тавсифини таъминлаш учун мўлжалланган бўлиб, унинг барча даражаларида таълим тизимининг асосий элементлари ҳолатини акс эттиради. Ва бу вазифани тўғри даражада амалга ошириш учун ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг янги муаммолари, таълим сиёсати, норматив-хукукий базани ишлаб чиқиш ва бошқалар туфайли статистик кузатувни доимий равишда такомиллаштириш керак бўлади.

Ўзбекистонда таълимни таркибий қайта қуриш ва уни қўллаб-қувватлаш бўйича турли халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда ва охирги беш йилда қўлланилиб келаётган

таълим статистикаси методологияси ва кўрсаткичларини ўрганиш бир қатор муаммоларни аниқлади. Уларнинг ечими ички таълим статистикасини замонавий ахборот сўровлари, ички ва халқаро стандартларга мувофиқ ҳар томонлама модернизация қилиш орқали таъминланди.

Таълим статистикасини модернизациялаш таълим тизимининг ривожланиш ҳолати ва тенденцияларини, умуман, алоҳида даражаларда, макроиқтисодий кўрсаткичлар билан таққосланишини, таълимнинг халқаро кўрсаткичларини ҳар томонлама ва холисона баҳолашни назарда тутади. Таълим муассасалари учун кўрсаткичларнинг умумий ҳисобидан таълим муассасалари дастурлари ва таълим муассасалари фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни жамлаш ва таҳлил қилиш, статистик ҳисбботларни ягона тизим ва шаклга келтириб, уйғунлаштириш, таълим даражалари, таълим дастурлари, мулкчилик шакллари, ташкилий-хуқуқий шакллари, ҳудудлар ва бошқа кўрсаткичлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонунда расмий статистиканинг асосий принциплари қўйидагилардан иборатлиги кўрсатиб ўтилган: мустақиллик, тушунарлилик ва шаффоффлик, аниқлик ва ишончлилик, бегаразлик ва холислик, статистик маҳфийлик, долзарблиқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 3-августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон Қарори мамлакатимизда миллий статистика тизимини ривожлантириш билан бирга таълим тизимига оид статистикани юритилишида ҳам муҳим босқични бошлаб берди. Таълим статистикаси – таълим соҳасида юз берадиган ҳодиса ва жараёнларни миқдорий ва сифат жиҳатидан ўрганувчи статистика соҳаси ҳисобланади. Давлат статистика қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирлик, идоралар ҳамкорлигига “Таълим статистикаси бўйича услугубий Низом” ишлаб чиқилди. Ушбу Низом давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг ҳолати ва ривожланиши тўғрисидаги статистик ҳисбботни юритилишини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Шу асосда, А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида олиб борилган статистик илмий-амалий тадқиқотлар натижасида, халқ таълими соҳасида таълим-тарбия сифатини таъминлашда қисқа мuddатда бартараф этилиши лозим бўлган бир қатор обьектив муаммолар борлиги аниқланди. Хусусан:

1. Бугунги кунда олий маълумотли малакали педагогик кадрларга бўлган эҳтиёж юқорилигича қолмоқда. Шунингдек, халқ таълимини педагог кадрлар билан таъминлаш тизими мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли баъзи ҳудудларда кадрлар етишмоқчилиги юзага келган.


Ҳозирги вақтда республика мактабларда фанлар (22 та) бўйича педагог кадрларга бўлган жами эҳтиёж 6198 тани ташкил этади, шундан, математика, физика, география, информатика, рус ва хорижий тиллар фанлари асосий ўрин эгаллайди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг 15,4 фоизини (76872 нафар) ўрта маҳсус маълумотлилар ташкил этади.

Шунингдек, республикадаги 1003 та мактабларда 20 мингта синфда рус тилида дарслар олиб борилиб, уларда 630 минг нафар ўқувчи таълим олади. Ушбу мактаб ва

синфларда рус тилида дарс ўтадиган аник ва табиий фан ўқитувчилари етишмаслиги муаммоси бартараф этилмаган.

1-диаграмма.

Умумтаълим мактабларида 2021/2022-ўкув йилида фанлар кесимида ўқитувчиларга қўшимча эҳтиёж ҳақида маълумот (таълим барча тилларда, 2022 йил март ҳолатига)




2. Ҳар бир мактабга бир йилда қўшимча равища ўртacha 139 нафар ўқувчи қабул қилишига тўғри келмоқда. Мактабларнинг сифими таълим сифатини таъминлашдаги кейинги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирда жами умумтаълим муассасалари сони 10289 тани ташкил этади. Сўнги 10 йилда ўқувчилар сони ўртacha 21%га ошиб борса, 2030-йилга келиб ўқувчилар сони 7,5 миллиондан ошиб кетиши кутилмоқда. 2030-йилга келиб битта мактабда ўртacha 500 нафар ўқувчи таълим олганда камида 15 мингта мактаб фаолият кўрсатиши талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, 2030-йилгача, 10 йил давомида 4746 та, йилига 475 тадан ортиқ мактаб ёки қўшимча бино қурилиши лозим бўлади.

Ушбу муаммоларни ўрганиш бўйича, барча даражадаги таълим муассасалари фаолиятини статистик кузатишнинг тубдан янги схемаси таклиф этилади, унда статистикани йиғишни икки асосий шаклда ташкил этиш имконияти кўриб чиқилди. Шунга кўра, сўровнинг ўзи икки босқичда амалга оширилиши таклиф қилинди: биринчи навбатда контингент ва ўқув йили бошида таълим муассасаси ходимлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш; иккинчидан – ўқув йилининг натижалари бўйича моддий-техник база ва молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида маълумот. Ички таълим статистикасини модернизатсия қилиш консепсиясида баён этилган ғояларни амалга ошириш ягона, модулли восита асосида сифат жиҳатидан янги статистик маълумотларни шакллантиришга асос бўлди.

2-диаграмма.


Умумтаълим муассасалар сони



3. Мактаблардаги ўқув машғулотларнинг сменалилиги масаласи ҳам бартаraf этилиши лозим бўлган муаммо сифатида қўрилмоқда. Зеро, мактабларнинг 7582 таси (74,4%)да 2 сменада фаолият олиб бормоқда.

3-диаграмма.

Умумтаълим муассасалари машғулотларининг сони



Шунингдек, халқаро илғор тажрибаларни ўрганиш асосида халқ таълими тизими статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш бўйича тизимга мос математик метод ва мезонларни аниқлаштириш бўйича қуидаги муоммалар ўрганилмоқда:

- Таълим сифатига энг кўп таъсир қиладиган факторлар;
- Ўғил ва қиз болаларда ўзлаштириш кўрсаткичини таққослаш;

- Қайси худудда ўқувчилар давомати паст ва мактабга сурункали келмаслик ҳолатлари мавжуд;
- Ўқувчининг дарсга қатнашиш даражасига (давоматига) таъсир қилувчи факторлар;
 - Ногирон ўқувчилар кўп бўлган худудлар;
 - Мактабда ногиронликнинг турлари бўйича статистикаси;
 - Ўқувчиларнинг ёш бўйича таълимга қатнашиш даражаси;
 - Ногиронлик мақоми бўйича ўқувчиларнинг мактабга қатнови улуши;
 - Синфдан синфга қолиш даражасини аниқлаш;
 - Ҳар бир синф учун синф ёшидан катта ва кичкина ёшдаги ўқувчиларни аниқлаш;
 - Саводхонлик даражасини аниқлаш;
 - Таълим сифати яхши худудларда мактаб ва аҳоли сони қанақа нисбатда?;
 - Ўқувчи оиласининг моддий ҳолати кейинги синфга ўтиши, ўқиши ёки ўқишини ташлаб кетишига таъсири;
 - Таълимнинг иқтисодиётга боғлиқлигини аниқлаш.

Халқ таълими тизими статистикасини шакллантириш ва илмий тадқиқ қилишда нималарни олдиндан прогноз қилиш, ўқувчи индикаторлари, ўқитувчи индикаторлари, мактаб индикаторлари, мактабдан ташқари индикаторлар, Quacquarelli Symonds World University Rankings (Рейтинг) бўйича халқаро тажрибалар ўрганилмоқда.

МУХОКАМА

Халқаро тажрибалар ва таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, ижтимоий ҳаётда ўз фикр ва мулоҳазаларимизни тасдиқлаш ёки исботлаш учун ҳар куни бир қанча тушунча ёки маълумотларни ишлатамиз ва қўллаймиз. Масалан, инфляция, аҳоли, ҳосилдорлик, ўртacha ёш ёки ойлик иш ҳақи, валюта курси, касалнинг тузалиши вақти, ялпи ички маҳсулот, ўртacha тезлик, баҳо, таннарх ва ҳакозо. Ушбу кўрсаткич ёки маълумотлар қандай аниқланади. Тўғри жавоб бериш учун статистикани ўрганиш керак. Статистикани ўрганиш учун ўқув методик қўлланма ва практикумлар, жаҳон тажрибаларини ўрганиш зарур. Халқаро илғор тажрибаларни ўрганиш асосида халқ таълими тизими статистик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш бўйича тизимга мос математик метод ва мезонларни аниқлаштиришнинг мазмуни ва таркибини, назарий ва амалий (айрим пайтларда ташкилий) масалаларини ёритиши, принципиал ҳолатларни мисоллар ёрдамида кўрсатиб беришни олдиндан белгилаш зарур. Бугунги кунда статистикани ўрганишда халқ таълими тизими ходимлари айрим қийинчиликларга ва қарама-қарши фикр ҳамда йўналишларга дуч келиши мумкин. Шунинг учун ҳам фойдаланувчилар юқоридаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда статистик методларни қўллашини тавсия этади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида, ушбу ғоялар Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг кўп босқичли статистик кўрсаткичлар тизимини, барча даражадаги таълим муассасалари фаолиятини статистик мониторинг қилишнинг ягона тизимини, мулкчилик шакллари, турлари, узлюксиз таълим статистикаси ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича таклифлар, шунингдек, долзарб масалалар бўйича бир марталик

статистик тадқиқотларни (масалан, ёш таркиби ва технологик даражаси, тил саводхонлиги, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги, жисмоний тарбия ва соғлиқни сақлаш, масофавий таълим муаммолари, инклузив таълим) олиб бориш имконини янада оширади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 23-сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ти ЎРҚ-637-сон Қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 27-февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-4623-сон Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси
4. Шодиев X, Хабибуллаев И. “Статистика” Т. “Молия-иқтисод” 2013.
5. А.Раджиев, Ф.Каримов, А.Ибрагимов. TALIS-2018 халқаро тадқиқотлари талаблари асосида ўtkазилган сўровнома ва тадқиқот ҳисботининг маълумотлар тўплами. 1-, 2-тўплам //. – Тошкент, 2022 йил.
6. А.Раджиев, Ф.Каримов, А.Ибрагимов, И.Муродов. Халқ таълими рақамларда. Халқ таълими тизимига оид статистик кўрсаткичлар бўйича қисқа ҳажмли рисола (брошюра). I, II-нашр. “Янги китоб”. Тошкент-2022.
7. www.uzedu.uz
8. www.stat.uz
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
10. <https://www.statistics.com>